

Мисрда исломий маданият марказлари радикализмга қарши курашади



17:35 / 27.11.2018 2112

Миср ҳукуматнинг янги режасига асосан, Шимолий Синайда 28 та янги исломий маданият маркази ташкил этилди. Бу ҳақда Al-Monitor хабар беради. Ушбу марказларнинг энг сўнггиси ноябрь ойида Хургада очилди. Бошқа марказлардан фарқли ўлароқ, ушбу таълим масканларида хорижликлар ҳам таҳсил олишлари мумкин. Дарслар инглиз, француз ва немис тилларида ҳам олиб борилади. Лойиҳанинг мақсади – диний радикализм ва ислом асосларини нотўғри англашни бартараф қилиш ҳамда соф исломий тушунчаларни шакллантиришдан иборат.

Гарчанд, Мисрнинг шимолий қисмида Ислом динини ўрганишга эҳтиёж сезилмаётган бўлса-да, бундай маданият марказларига катта эҳтиёж пайдо бўлган. Машҳур “Ал-Азҳар” университетига кириш машаққатли тайёргарликларни талаб этади. Қолаверса, Мисрдаги деярли барча ўқув юртлари пулик. Янги лойиҳа эса, бу масалаларда бир қанча енгилликларга эга. Аввало, бу марказларда ўқиш мутлақо бепул, мунтазам таълим истагидаги талабгор бўлса бас. Энг муҳим жиҳати, сабоқ берувчи муаллимлар ҳам “Ал-Азҳар”ни битирган малакали мутахассислардир. Дарслар фақатгина маърузаларга таяниб қолмаган, балки бунда “Ал-Азҳар”нинг дунёга машҳур, ислом дини бўйича ўзининг қатъий қарашларига эга профессор-ўқитувчилари билан онлайн мулоқотлар ҳам

олиб борилади. Бу каби марказларни ташкил қилиш ғояси ўтган асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган эса-да, уларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги ташаббуслар энди бошланди. Ҳозирда ҳар бир марказда ташкил этилган гуруҳларда 30 тадан ўқувчи сабоқ олмақда. Маълум бўлишича, ўқиш учун ҳар бир гуруҳга ариза топширганларнинг сони 300 тадан ошиб кетган.

Мутахассислар ушбу марказларни “Ал-Азҳар”нинг филиаллари сифатида кўрмоқдалар. Шу орқали маҳаллий аҳоли ислом шариати бўйича энг муҳим билимларга эга бўладилар. Марказдаги ўқишлар икки йиллик бўлиб, битирувчиларга махсус сертификатлар берилади. Улар масжидларда вазифа олишлари мумкин, энг муҳими, оиласи, дўстларини ва янги авлодни олган билимлари билан тарбия қиладилар.

Миср давлати Вақфлар вазири Муҳаммад Мухтор Ғумманинг айтишича, бу ҳолат аҳолининг нафақат билим олишга бўлган қизиқишини, балки экстремизмга қарши кайфиятининг юқориликдан ҳам далолат беради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, вақф вазирлиги томонидан турли йўналишлар бўйича жиддий лойиҳалар режалаштирилган. Жумладан, ноябрь ойи бошида “Инсоният элчиси” номи билан катта лойиҳа ҳам ишга туширилган. Лойиҳага мувофиқ, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган ислом дини ҳақида махсус тайёрланган дарслар сунъий йўлдош телеканаллари, жамоат форумлари ва турли китоб мутолаа клублардаги маърузалар орқали кенг жамоатчиликка етказилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти